



## ЎЗБЕКИСТОН СУҒУРТА БОЗОРИ: РИВОЖЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА МУАММОЛАР

**Қўлдошев Қамариддин Мансурович**

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Солиқлар ва суғурта иши”  
кафедраси доценти, и.ф.д. (DSc). Тошкент, Ўзбекистон.*

[kuldashvKM@gmail.com](mailto:kuldashvKM@gmail.com)

**DOI:** [https://doi.org/10.55439/EIT/vol10\\_iss6/a37](https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss6/a37)

### **Аннотация**

Ушбу мақоланинг мақсади Ўзбекистон суғурта бозорининг ривожланиш ҳолати ва даражасини аниқлаш ҳамда унинг ривожланган суғурта бозорлари даражасига етиш учун талаб қилинадиган ривожланиш тезлигини билан бирга, бозорнинг ривожланишига тўсиқ бўлаётган ҳолатлар ва уларни бартараф этган ҳолда қамровини кенгайтириш, потенциал суғурталанувчилар ишончини таъминлаш учун амалга ошириш талаб этиладиган тадбирларни аниқлашдан иборат. Ушбу қўйилган мақсадларга эришиш йўлида муаллиф томонидан тадқиқотлар амалга оширилган ва натижаларга эришилган.

**Калит сўзлар:** “Суғурта”, “ўзаро суғурта”, “ислом”, “такафул суғурта”, “анъанавий суғурта”, “мавҳумлик”, “судхўрлик”, “қимор”, “ислом ҳамкорлик ташкилоти”, “ислом тараққиёт банки”, “исломий молиялаштириш”, “шариат”.

### **Аннотация**

Целью данной статьи является определение состояния и уровня развития страхового рынка Узбекистана, а также скорости развития, необходимой для достижения уровня развитых страховых рынков, а также обстоятельств, препятствующих развитию рынка и определить меры, которые необходимо осуществить для обеспечения доверия потенциальных страхователей, расширения их охвата и устранения их. Для достижения поставленных целей автором были проведены исследования и достигнуты результаты.

**Ключевые слова:** Страхование, взаимное страхование, ислам, страхование такафул, традиционное страхование, абстракция, ростовщичество, азартные игры, Исламская организация сотрудничества, Исламский банк развития, исламские финансы, шариат.

### **Abstract**

The purpose of this article is to determine the state and level of development of the insurance market of Uzbekistan, as well as the speed of development required to reach the level of developed insurance markets, as well as the circumstances that hinder the development of the market and to determine the measures that are required to be implemented to ensure the confidence of potential policyholders, to expand their coverage and eliminate them. In order to achieve these goals, research was carried out by the author and the results were achieved.

**Keywords:** Insurance, mutual insurance, Islam, takaful insurance, traditional insurance, abstraction, usury, gambling, Islamic Cooperation Organization, Islamic Development Bank, Islamic finance, Sharia.

## **Кириш**

Дунё миқёсида глобализация жараёнлари кучайиб бораётган бугунги кунда, Ўзбекистон ҳам ушбу жараёнга тобора кириб бормоқда. Мамлакат иқтисодиётини модернизация қилиш давом этаётган ва айниқса, тадбиркорлик фаолиятининг кўлами кескин даражада ошиб бораётганлиги суғурта хизматларига бўлган эҳтиёжни янада орттирмоқда. Ушбу ҳолат ўз навбатида, суғурта фаолияти ва суғурта бозорини ривожлантириш, бунинг учун эса унинг ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий бошқариш механизмларини такомиллаштиришни, суғурталашнинг янги шакллари амалга киритишни тақозо этмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, олиб борилаётган жуда кўплаб тадбирлар, қабул қилинаётган қонунлар, фармон ва қарорларга қарамасдан, мамлакатимизда суғурта соҳаси ҳозирги замон талаблари даражасида ривожлана олмаяпти. Кўп сондаги потенциал суғурталанувчиларда мавжуд рисклар суғурталанмай қолмоқда. Суғурта иқтисодиётни диверсификация қилиш ва иқтисодий ўсишнинг асосий омилига айланмаган. Ушбу ҳолат мазкур соҳани илмий жиҳатдан ўрганиш ва тадқиқ қилишни тақозо этмоқда.

## **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Суғурта бозорининг ривожланиш тенденциялари, уларнинг аҳолига хизмат кўрсатишдаги ўрни ҳамда бу борадаги муаммоларнинг ечими бўйича қатор олимлар томонидан изланишлар олиб борилган. Жумладан, Д.Баратова томонидан тайёрланган “Ўзбекистонда суғурта бозорининг ривожланиш кўрсаткичлари ва аҳолига хизмат кўрсатишдаги ўрни” номли мақолада Ўзбекистон суғурта бозорининг 2013-2016 йиллардаги ривожланиш кўрсаткичлари таҳлил қилинган ва ҳулосалар шакллантирилган бўлиб, унга кўра, Ўзбекистон суғурта бозори ўсиб бораётган бўлсада, аҳолида суғуртага бўлган ишонч ҳамда суғурта тўғрисидаги тушунчалар етарли даражада эмаслиги, бу эса бозорнинг қамрови пастлигича сақланишига сабаб бўлаётганлиги келтирилган [1].

Л.Тошназарова томонидан чоп этилган “Ўзбекистон суғурта бозорида рақобатни ривожлантириш йўллари” номли мақолада Ўзбекистон миллий суғурта бозоридаги рақобат даражаси, унинг даражасини белгиловчи кўрсаткичлар таҳлил қилинган ҳолда, бозорда соғлом рақобатни таъминлашга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган [2].

А.Т.Умиров томонидан чоп этилган “Ўзбекистонда рақобат муҳитининг жорий ҳолати ва унинг таҳлили”га бағишланган мақолада Ўзбекистон миллий суғурта бозоридаги рақобат муҳити ва унинг жорий ҳолати ҳамда таҳлили амалга оширилган. Амалга оширилган таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда, суғурта бозорида тўпланаётган суғурта мукофотлари ва суғурта қопламалари ҳажми ортиб бораётганлиги, аммо шу билан бирга суғурта бозорида рақобат муҳити етарли даражада эмаслиги таъкидланган [3].

Т.Қ.Аробиддин томонидан чоп этилган “Ўзбекистонда суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва уни жадал ривожлантиришни таъминлаш масалалари” номли мақоласида Ўзбекистон миллий суғурта бозори катта потенциал имкониятларга эга эканлиги ва бу имкониятлардан самарали фойдаланишга эришиш учун тизимли ва кескин ислоҳотларни амалга ошириш зарурлиги таъкидланган [4].

И.Ш.Норқобилов томонидан тайёрланган “Суғурта компанияларида молиявий бошқарувни такомиллаштириш йўллари” мақолада таъкидланишича, Ўзбекистондаги суғурта компаниялари кўпгина раҳбарларининг хатоси шуки, улар компаниянинг универсал бошқарувини қидиришади, суғурта компанияларининг барча муаммоларини ҳал қила оладиган усулни узлаштирмоқчи бўлишади. Шунинг учун менежментнинг юз

фоизга ишлайдиган янги назарияси ёки концепциясига бўлган иштиёқ пайдо бўлади. Аслида менежментдаги муваффақият универсал воситани топишдан иборат эмас, балки компанияга нисбатан турли хил бошқарув воситаларининг моҳирона комбинациясидан иборат бўлиб, улар ривожланишининг турли босқичларида бўлиши мумкин, улар ўзига хос хусусиятларга ва ўзига хос маданиятга эга бўлади [5].

### **Тадқиқот методологияси**

Тадқиқотни амалга оширишда қўйилган мақсадларни амалга оширишда мантиқий ва таркибий таҳлил қилиш, гуруҳлаштириш, иқтисодий-статистик таҳлил, ўзаро ва қиёсий таққослаш усуллари самарали фойдаланилди. Олиб борилган таҳлиллар натижасида Ўзбекистон суғурта бозорининг ҳозирги ривожланиш тезлиги ривожланган мамлакатлар даражасига етиш учун жуда узоқ вақт талаб қилиши, ушбу масофани 25-30 йилда босиб ўтиш учун талаб қилинадиган йиллик ўсиш даражаси кўрсатиб берилган. Шу билан бирга, бозорнинг ривожланишига тўсиқ бўлаётган ҳолатлар ҳамда уларни бартараф этиш йўллари асослаб берилган.

### **Таҳлил ва натижалар**

Суғурта фаолияти тадбиркорлик таваккалчиликлари оқибатларини, халқаро муносабатлардаги савдо, туризм ва бошқа жараёнларда юзага келадиган хатарларни бартараф этиш, ижтимоий ҳаётдаги барқарорликни таъминлаш, иқтисодиётга инвестициялар йўналтириш учун сезиларли манбаларни шакллантириш ҳамда инвестиция рискларини юмшатиш хусусиятларига эгаллиги билан иқтисодиётнинг етакчи соҳаларидан бири сифатида амал қилади. Шу билан бирга, хорижий мамлакатларнинг ривожланган суғурта бозорлари халқаро суғурта бозорининг қисми сифатида халқаро бозорларга хос катта ҳажмдаги рискларнинг суғуртавий ҳимоясини таъминламоқда. Натижада бундай суғурта бозорларининг мамлакат ЯИМдаги ҳиссаси 8-12 фоизни ташкил этмоқда.

Ўзбекистонда суғурта ташкилотлари фаолиятини ривожлантиришга, истиқболда халқаро суғурта бозорларида мустақкам ўрин эгаллашига эришиш йўлида давлатнинг ташаббускорлигида ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Республика иқтисодий-сиёсий ҳаётининг барча жабҳаларида бугунги кунда юз бераётган ижобий ўзгаришлар иқтисодиёт молия тизимининг таркибий қисми ҳисобланган суғурта соҳасининг роли ошиб бориши учун объектив шарт-шароитларни яратмоқда. Яқин 2019 йилдан буён янги таҳрирдаги “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг ҳамда турли меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилинганлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тўғридан-тўғри суғурта соҳасига тааллуқли 2 та қарори (2019 йил 2 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” [6] ва 2021 йил 23 октябрдаги “Суғурта бозорининг рақамлаштириш ва ҳаёт суғуртаси соҳасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” [7]) ва Вазирлар маҳкамасининг ўнга яқин қарорлари қабул қилинганлиги ушбу соҳага бўлган эътиборнинг қай даражада эканлигини кўрсатиб турибди. Аммо, амалга оширилган бундай чора-тадбирлар суғурта бозорида кескин ўзгаришлар қилиш ва унинг жадал кенгайишини таъминлаш учун етарли эмаслигини кўрсатмоқда. Ушбу ҳулосани Ўзбекистон суғурта бозорининг иқтисодиётдаги ўрни ва аҳоли орасига кириб борганлик даражасини белгиловчи икки кўрсаткич билан асослаш мумкин: суғурта компаниялари томонидан тўпланган суғурта мукофотларининг ЯИМдаги ҳиссаси (1-жадвал); киши бошига тўғри келадиган суғурта мукофотлари (2-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон суғурта бозорида тўпланаётган суғурта мукофотларининг ЯИМдаги ҳиссаси  
(млрд.сўм)

Йиллар	ЯИМ	Суғурта мукофотлари	ЯИМда суғурта мукофотлари улуши, % да	Ўсиш ёки камайиш, % да
2017	249100,1	927,5	0,37	+0,02
2018	407500,0	1635,2	0,40	+0,03
2019	511800,0	2314,1	0,45	+0,05
2020	580200,0	2211,7	0,38	-0,07
2021	734600,0	3733,0	0,50	+0,12

<http://www.mf.uz> ҳамда [stat.uz](http://stat.uz) сайтлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган

1-жадвал маълумотларини таҳлил қилганимизда, миллий суғурта бозорида тўпланаётган суғурта мукофотларининг ЯИМга нисбатан ўсиши 9 йил давомида ўртача 0,03 фоизни ташкил этган. ЯИМ ўсиши ҳозирги даражада давом этган ҳолатда, суғурта мукофотларининг йиллик ўсиш даражасини 2021 йилдаги ўсишни эътиборга олган ҳолда 0,05 фоиз деб оладиган бўлсак, ривожланган мамлакатлардаги суғурта мукофотлари ЯИМдаги ҳиссасининг ўртача даражасига етиш учун (ушбу даража 8 фоизни ташкил этмоқда [8]) 150 йил керак бўлар экан ( $0,05 \times 150 = 7,5 + 0,5 = 8$ ). Ушбу кўрсаткичнинг йиллик ўсиши 0,5 фоизни ташкил этган ҳолатда, ривожланган мамлакатлардаги ўртача даражага етиш учун 15 йил керак бўлади ( $0,5 \times 15 = 7,5 + 0,5 = 8$ ). Демак, суғурта мукофотларининг ЯИМга нисбатан камида 0,3 фоизлик йиллик ўсиш даражасини таъминлаш 25 йил ичида мамлакатимиз суғурта хизматларини ривожланган давлатлар даражасига етказиш имконини беради.

2-жадвал

Ўзбекистонда тўпланаётган суғурта мукофотларининг аҳоли сонига нисбати  
кўрсаткичлари

Йиллар	Аҳоли сони (млн. киши)	Суғурта мукофотлари (млрд. сўм)	Бир кишига тўғри келадиган суғурта мукофоти (сўм)	Ўсиш ёки камайиш (сўм)
2017	32120,5	927,5	28876	
2018	33254,1	1635,2	49173	+20297
2019	33905,8	2314,1	68251	+19078
2020	34558,9	2211,7	63998	-4253
2021	35271,3	3733,0	105837	+41839

<http://www.mf.uz> ҳамда [stat.uz](http://stat.uz) сайтлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган

Тўпланаётган суғурта мукофотларининг аҳоли сонига нисбати кўрсаткичи суғуртанинг аҳоли орасига қай даражада кириб борганлигини (2-жадвал), унинг оммавийлашганлик даражасини билдирувчи кўрсаткич бўлиб, юқорида таҳлил қилинган кўрсаткич билан ўзаро боғлиқ, яъни бирининг ўсиши иккинчисининг ўсишига таъсир кўрсатади. Ушбу кўрсаткичнинг 9 йил давомидаги ўртача ўсиш даражаси 10 506 сўмни ташкил этган. 2021 йилдаги ўсиш даражасини ҳисобга олган ҳолда, ўртача ўсиш даражасини 30 000 сўм деб олганимизда, ривожланган мамлакатларда киши бошига

тўғри келувчи суғурта мукофотининг ўртача даражасига етиш учун (ушбу даража 3000 АҚШ долларини ташкил этмоқда [8]) жуда узоқ йиллар керак бўлар экан. Ушбу кўрсаткичнинг йиллик ўсишини 800 000 сўмга етказишга эришилган ҳолатда, ривожланган мамлакатлардаги ўртача даражага етиш учун 38 йил керак бўлади ( $800\ 000 \times 38 = 30\ 400\ 000$ ). Демак, киши бошига тўғри келадиган суғурта мукофотларининг йиллик ўсишини камида 1 000 000 сўмга етказиш 30 йил ичида мамлакатимизда киши бошига тўғри келадиган суғурта мукофотларини ривожланган давлатлар даражасига етказиш имконини беради деб тахмин қилиш мумкин.

Суғурта бозорининг ривожланганлик даражасини белгиловчи юқоридаги икки кўрсаткич бўйича амалга оширилган таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистон суғурта бозорининг ўсиш даражаси ушбу бозорни ривожланган мамлакатлар суғурта бозорлари даражасига етказиш учун сезиларли даражада паст эканлиги, мазкур даражага етказиш учун ўсиш даражасини бир неча баравар ошириш зарурлигини кўрсатди. Бунинг учун қандай тадбирларни амалга ошириш керак? Биз томонимиздан олиб борилган тадқиқотлар ва хорижий мамлакатлар тажрибаларини ўрганган ҳолда қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

1) суғуртанинг алоҳида нотижорат шакли ҳисобланган ўзаро суғуртани маҳаллаларда ва қишлоқ хўжалиги корхоналари, фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда томорқа ер эгалари ўртасида йўлга қўйиш;

2) аҳолининг асосий қисми мусулмон динига мансублигидан келиб чиқиб, такофул (исломий) суғуртани оммавийлаштириш учун шарт-шароитлар яратиш;

3) кам таъминланган аҳоли қатламларини давлат томонидан ижтимоий ҳимоялашда суғурта хизматларидан самарали фойдаланиш мақсадида, давлат-хусусий шерикчилиги асосида микросуғурта хизматларини йўлга қўйиш;

4) аҳоли, корхона ва ташкилотларга тегишли кўчмас мулк объектларини ёнғиндан суғурталашни мажбурий суғурта сифатида қонунчилик асосида киритиш;

5) хорижий мамлакатларнинг суғурта соҳасидаги илғор тажрибаларидан фойдаланиш ҳамда суғурта бозорида рақобатни кучайтириш мақсадида, чет эл суғурта компанияларининг Ўзбекистон бозорида тўғридан-тўғри фаолият кўрсатишлари учун йўл очиб бериш;

6) потенциал суғурталанувчиларда суғурта ташкилотларига нисбатан ишончни таъминлаш мақсадида улар томонидан ишлаб чиқиладиган шартнома шартлари ҳамда тариф ставкалари устидан давлат назоратини йўлга қўйиш;

7) суғурталанувчиларнинг суғурталовчилар олдидаги ҳуқуқларини давлат томонидан ҳимоя қилишни кучайтириш ва суғурта компаниялари фаолиятининг шаффофлигини оширишга қаратилган тартиб-қоидаларни амалга киритиш;

8) мажбурий тиббий суғуртанинг қамрови ҳамда хизмат ҳажмини кенгайтириш. Мажбурий тиббий суғуртани амалга оширишга тижорат суғурта компанияларини жалб қилиш.

Суғурта соҳаси ўзининг ривожланган даражасида иқтисодиётнинг базавий тизимларидан бири сифатида намоён бўлади. Бундай даражага эришиш учун суғуртани ташкил қилишнинг иккита асосий шакли амал қилиши ва доимий такомиллаштириб борилиши зарур. Булар: тижоратга асосланган суғурта ва ўзаро суғурта шакллари [9]. Бугунги кунда ўзаро суғурта миллий бозорларда катта ҳажмда суғурта хизматларини кўрсатиш билан бирга, халқаро даражага кўтарилган бир пайтда, Ўзбекистонда ушбу

соҳанинг қонунчилик базаси етарлича шаклланмаган. Бу бўйича алоҳида Қонун лойиҳаси бир неча йил олдин ишлаб чиқилган бўлсада, уни Олий мажлис палаталарида муҳокама қилиш амалга оширилмаяпти.

АҚШ, Канада, Европа иттифоқи мамлакатларида ва дунёнинг бошқа кўплаб мамлакатларида қишлоқ хўжалигини ўзаро суғурталаш жамиятлари ташкил этиш орқали суғурталаш бўйича узоқ йиллик тажриба тўпланган бўлиб, бу ўзининг юқори самарасини бериб келмоқда. Масалан, Канада тажрибасини келтирадиган бўлсак, ушбу мамлакатда фаолият кўрсатаётган қишлоқ хўжалиги суғуртасига ихтисослашган ўзаро суғурталаш жамиятлари икки юз йилдан ортиқ тарихий тажрибага эга. Бу мамлакатда ушбу фаолият уч босқичда ташкил этилган: локал ўзаро суғурталаш жамиятлари, ўзаро суғурталаш жамиятларининг уюшмалари ва уюшмалар иттифоқи. Ўзаро суғурталаш жамияти аъзолари бўлган фермерлар бир вақтнинг ўзида суғурталовчи ва суғурталанувчи ҳисобланади. Яъни ҳар бир аъзо мазкур жамиятнинг суғурта хизматларидан фойдаланган ҳолда, ушбу жамият фаолияти учун бирдай жавобгардир [10]. Шу тўғрисида бу жамиятларда маълумотлар шаффофлиги таъминланган, жамиятнинг фойдасига барча аъзолар шерик ва зарари учун ҳар бир аъзо жавобгар ҳисобланади. Жамият ортиқча харажатлардан холи иш юритади.

Ўзбекистонда кўп сондаги потенциал суғурталанувчиларда суғурта компанияларига нисбатан ишончсизлик узоқ йиллардан бери давом этмоқда. Бунинг асосий сабаби - суғурта ҳодисаси юз берганда кўрилган зарарни ҳеч қандай қийинчилик ва тўсиқларсиз тўлаб бериш тизимининг яратилмаганлигидир. Суғурта компаниялари томонидан суғурта шартномалари шартлари кўпроқ суғурта компанияси манфаатларини кўзлаган ҳолда ишлаб чиқилиши, яъни, суғурта ҳодисаси юз берганда суғурталовчида қопламани тўлаб бермаслик ҳуқуқини берувчи шартларнинг шартномада ўз аксини топганлигидир.

### 3-жадвал

#### Ўзбекистон суғурта бозорида умумий суғурта тармоғида тўланган суғурта қопламалари ҳамда уларнинг суғурта мукофотларига нисбати

№	Кўрсаткичлар	2020 й.	2021 й.	Суғурта мукофотига нисбатан суғурта қопламалари улуши, % да		Тўловларнинг олдинги йилга нисбатан ўсиш ёки камайиши, % да
				2020	2021	
1.	Суғурта мукофоти, (млрд.сўм) шундан:	1879	3016	-	-	+161
	Мажбурий суғурта	338	477	-	-	+141
	Ихтиёрий суғурта	1541	2539	-	-	+165
2.	Тўланган суғурта қопламаси, (млрд.сўм) шундан:	420	616	22	20	-2
	Мажбурий суғурта	128	182	38	38	0
	Ихтиёрий суғурта	292	434	19	17	-2

*IMDA.UZ сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган*

3-жадвал маълумотларига кўра, 2020 йилда тўланган суғурта қопламалари мазкур йилда тўпланган суғурта мукофотларининг 22 фоизини ташкил этиб, 2021 йилда ушбу кўрсаткич янада пасайган. Суғурта қопламалари даражаси айниқса ихтиёрий суғуртада паст бўлган. Аммо бундай кўрсаткич барча суғурта компанияларига хос эмаслигини ҳам таъкидлаш жоиз. Тўплаган суғурта мукофотининг 52 фоизи ва ундан камроқ қисмини қоплама учун тўлаб берган суғурта компаниялари билан бир қаторда йил давомида умуман тўлов амалга оширмаган ёки тўплаган суғурта мукофотининг 0,3 фоизинигина қоплама учун йўналтирган суғурта компаниялари фаолият кўрсатиши [11] натижасида бозордаги умумий кўрсаткич пасайиб кетган. Суғурта қопламасини тўлаш бўйича жуда паст кўрсаткичга эга бўлган суғурта компанияларига нисбатан “сохта суғурталовчи” иборасини қўллаш мумкин. “Сохта суғурталовчи”лар суғурта бозорида фаолият кўрсатар экан, суғурталанувчиларда суғурта хизматларига бўлган ишонч тикланмайди.

Суғурта хизматларидан фойдаланмасликка республикамиздаги баъзи аҳоли қатламларида суғурта хизмати шариат талабларига тўғри келмайди деган фикрнинг мавжудлиги ҳам сабаб бўлмоқда. Аҳолисининг катта қисми мусулмон динига мансуб бўлган давлатлар ва ҳаттоки тўлиқ мусулмон мамлакатларда суғурта хизматларининг аҳолини қамраб олганлик даражаси бизнинг мамлакатдагидан бир неча баравар юқори эканлигини кўриш мумкин. Бундай мамлакатларда бир вақтнинг ўзида анъанавий суғурта хизматлари ҳамда ушбу суғуртадан кўп фарқ қилмайдиган исломий суғурта (такофул суғурта) ташкилотлари фаолият олиб бормоқда.

Аслида суғурта хизматлари ижтимоий ҳимоянинг бир кўриниши бўлиб, шу туфайли, ижтимоий аҳамияти юқори бўлган бир қанча рисклар мажбурий суғурта сифатида қонун асосида амалга киритилади. Мамлакатимизда шундай хусусиятга эга бўлган рисклар сифатида транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги, иш берувчи корхона ва ташкилотларнинг ўз ходимлари олдидаги жавобгарлиги ҳамда йўловчи ташувчи корхоналарнинг йўловчи олдидаги жавобгарлиги қонун асосида мажбурий суғурталанади. Тиббий хизматлар билан боғлиқ мажбурий суғурта ҳам мамлакатимизда босқичма-босқич амалга киритилмоқда. Ушбу суғурта давлат мулкига асосланган ягона суғурта ташкилотини ташкил этиш орқали, яъни ўзаро рақобат муҳитини яратмаган ҳолда амалга оширилмоқда. Аммо ушбу мажбурий суғурта турлари етарли эмас. Чунки бу каби ижтимоий аҳамияти юқори бўлган рисклар талайгина. Мисол тариқасида келтириш мумкин, юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулкларини ёнғиндан суғурталаш. Бу борада яна шуни таъкидлаш мумкин, дунё олимларининг ҳулосаларига кўра, мажбурий ва ихтиёрий суғурта ўртасидаги оптимал нисбат 30/70 ҳисобланади. 2021 йил натижалари бўйича Ўзбекистонда амалдаги мажбурий суғурта турларининг жами суғурта хизматларидаги ҳиссаси 15 фоизни ташкил этди.

Ёнғинлар масаласига қайтадиган бўлсак, статистик маълумотларга кўра, мамлакатимизда юридик ва жисмоний шахсларнинг бино ва иншоотларида турли сабаблар натижасида юз берадиган ёнғинлар сони бир йилда ўртача 14 000 тани ташкил этади. Ёнғин натижасида кўриладиган моддий зарарлар одатда катта миқдорни ташкил этади. Корхонага етказилган бундай зарар натижасида мазкур корхонанинг кейинги

фаолияти жиддий қийинчиликка учрайди. Оила хонадонларида юз берган ёнғинлар эса оиланинг танг аҳволда қолишига сабаб бўлади. Ушбу ҳолатларни ҳар томонлама таҳлил қилган ҳолда, 2019 йил 30 апрелда Ички ишлар вазирлигининг Ёнғин хавфсизлиги институти томонидан ташкил этилган республика миқёсидаги конференцияда кўчмас мулк объектларига нисбатан ёнғин суғуртасини мажбурий суғурта сифатида киритишни ҳукуматдан сўраш тўғрисида баённома тузилган эди. Аммо бу ўз натижасини бермади.

Мамлакатимизда кам таъминланган оилалар, ёлғиз оналар, аёллар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида темир дафтар, аёллар дафтари, ёшлар дафтари каби махсус рўйхатлар шакллантирилиб, ушбу рўйхатга киритилганларга турли кўринишдаги моддий ёрдамлар кўрсатиб келинмоқда. Ушбу мақсадларга катта миқдордаги бюджет маблағлари сарфланади. Аммо ушбу маблағлар асосан бундай оилаларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, кундалик эҳтиёжларини таъминлаш кабиларга қаратилган бўлиб, турли кутилмаган ҳодисалар натижасида кўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланмаган.

Юқорида келтирилган, кам таъминланган аҳоли қатламларини турли кутилмаган ҳодисаалардан моддий ҳимоялаш мақсадида микросуғурта хизматларидан фойдаланишни йўлга қўйиш тажрибадан ўтган самарали восита ҳисобланади. Ушбу ҳимояни давлат-хусусий шерикчилиги асосида йўлга қўйиш, яъни суғурта мукофотини давлат томонидан тўлаб бериш орқали кам таъминланган аҳоли қатламларини ёппасига суғурталашга эришиш мумкин.

### **Хулоса**

Хулоса сифатида, ушбу тадқиқотни амалга ошириш давомида қуйидаги саволлар пайдо бўлганлиги ва уларга қуйидагича жавоблар шаклланганлигини таъкидлашимиз мумкин. Биринчидан, Ўзбекистонда суғурта соҳасининг ривожланганлик, унинг аҳоли орасига кириб борганлик даражаси қандай? Иккинчидан, унинг ривожланиши шу даражада давом этадиган бўлса, ривожланган мамлакатлар даражасига қачон етади ва яқин 25-30 йилда улар даражасига етиш учун суғуртанинг йиллик ўсиши қандай бўлиши керак? Учунчидан, йиллик ўсишнинг даражасига қандай ҳолатлар салбий таъсир кўрсатмоқда? Тўртинчидан, йиллик ўсишни ошириш учун нималар қилиш керак?

Юқоридаги саволларга эса мазкур тадқиқотни амалга ошириш давомида асосли жавоблар шакллантирилди. Амалга оширилган таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда хулоса қилиш мумкинки, суғурта иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлаш ва инвестициявий манба сифатида хизмат қилиши ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоясини таъминлаши билан етакчи тармоқ даражасига кўтарилиши учун давлатнинг ташаббускорлиги ҳамда ушбу соҳани илмий жиҳатдан доимий равишда ўрганиш талаб этилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Баратова Д. Ўзбекистонда суғурта бозорининг ривожланиш кўрсаткичлари ва аҳолига хизмат кўрсатишдаги ўрни. //Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар, №5 2017 й.

2. Тошназарова Л. Ўзбекистон суғурта бозорида рақобатни ривожлантириш йўллари. //Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар, №4 2021 й.
3. Умиров А.Т. Ўзбекистон суғурта бозорида рақобат муҳитининг хорий ҳолати ва унинг таҳлили.//Иқтисодиёт ва таълим, №1 2020 й.
4. Аробиддин Т.Қ. “Ўзбекистонда суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва уни жадал ривожлантиришни таъминлаш масалалари”. //UzBridge электрон журнали.№1-сон, 2020 й.
5. Норқобилов И.Ш. “Рақамли иқтисодиёт: Ўзбекистонда ривожлантириш истиқболлари ва жаҳон амалиёти” мавзусидаги халқаро илмий-амалий онлайн конференция. Тошкент, 2020 йил 24 декабр.
6. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.08.2019 й., 07/19/4412/3512-сон.
7. Қонунчилик ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.10.2021 й., 07/21/5265/0992-сон.
8. Страхование дело//Москва, Анкил, 2015 й. 7-сон
9. Страхование дело//Москва, Анкил, 2015 й. 7-сон
10. Логвинова И.Л. Взаимное страхование в России: особенности эволюции. //Финансы и статистика, 2017. №2
11. Қўлдошев Қ.М. Ўзбекистонда ўзаро суғурталашнинг методологик асосларини такомиллаштириш. Монография. Т.: Иқтисодиёт 2021.
12. IMDA.UZ сайти маълумотлари.